

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатта олинди:
№ БД – 5120400 – 3,09

2016 йил “ 8 ” 01



ЭТНОГЕНЕЗ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚИННИГ ЭТНИК ТАРИХИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100 000 -Гуманитар фанлар ва санъат
Таълим соҳаси: 120 000 -Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши: 5120400 - Археология

Тошкент-2016.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2016 йил “Д” 01 даги “Д”-сонли буйрганинг 2-иловаси
билин фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари
бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи
Кенгашининг 2016 йил “Д” 01 даги 1 -сонли баённомаси
билин маъкулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишдаб чикилди.

Тузувчи:

Салимов Т.Ў.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети Тарих факультети Археология ва
этнология кафедраси доценти

Такризчилар:

Салимов Т.Ў.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети Тарих факультети Археология ва
этнология кафедраси доценти

Илхомов З.А..

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика
университети Тарих факультети Жаҳон тарихи
кафедраси доценти

Фан дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети Кенгашида кўриб чиқилинган ва тавсия килинган (2015-йил
“Д” 11 даги 3 -сонли баённома).

Кириш

Этногенез ва ўзбек халқининг этник тарихи фан сифатида. Унинг ижтимоий фанлар тизимида туттан ўрни. Курсни ўрганишнинг максал ва вазифалари, предмети. Методологик илмий-назарий асослари хамда усуллари, фаннинг долзарб масалалари.

Тарихга янгича, цивилизацион ёндауву. Тарихий кадриятларни ўрганишда миллий гояннинг роли ва ахамияти. Фанни ривожлантеришида Президент И.А.Каримовнинг 1998 йыл августдаги бир катар тарихчилар билан учрашувдаги ўзбек халқининг этник тарихини янгича ёндашувлар оркали яратиш хусусидаги кўйган вазифалари, «Тарихий хотигасиз келажак йў», «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарларининг ахамияти, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да кўреатиб ўтилган талаба – ёшларнинг тарихий дунёкарашини бойитиш, уларда мустакил фикрни карор топтириш билан белгиланиши курснинг долзарблиги асоси эканлиги.

Тарихчи бакалаврларда этногенез ва ўзбек халқининг этник тарихи фанини ўқитишида тарихий юксалиши жараёнларини таҳлил ва тадқик этиш малакасини шакллантериши.

Ўқув фанининг максади ва вазифалари

Тарихнинг давлат ва жамият тараккиёт ҳосиласи эканлиги, жамият ривожланишида давлатчиликнинг мухим вокелик хисобланиши, тарихнинг кейинги тараккиёт боскичида фан, техника, маданият, ахборотлар тизимини ўзлаштира бориши, улардаги жамиятта боғлик бўлган ходисаларни кўреатиб берини, жумладан, мустакиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни таҳлил этиш. Мамлакатимизда толерантлик сиёсатининг устиворлиги тушунчаларини талабаларга етказиш ўқув фанининг максадидир.

Бударни амалга ошириш учун куйидаги вазифалар белгиланди:

- фандаги халқларнинг этногенези ва этник тарихига оид янги назарияларни таҳлил этиш;
- тарихнинг харакатлантурувчи кучлари ва омилларини талабаларга тушунтириб берини;
- этник тарих билан боғлик асосий тараккиёт йўналишларни таҳлил килиш ва тадқик этиш малакасини ҳосил килиши;
- давлат ва жамият тараккиётининг ривожланиш омилларини таҳлил килишида, унинг тарихини ёритишида этник тарихнинг ролини тушунтириш.

Фан бўйича битим, малака ва кўниуммага қўйиладиган талабатар

Тарих фани ижтимоий тафаккур махсуси эканлиги, ижтимоий фанлар ривожида тарих фанининг мухим воеалар билан боғликлигига кўниуммалар ҳосил килишдан иборат.

Ўкув фани бўйича эгалланган билимларни илмий-тадқикот ва илмий-педагогик фаолиятида қўллаш, ўзбек халки этногенези ва этник тарихининг долзарб масалалари бўйича тадқикот ишларини олиб бориш кўникумларига эга бўлишлари керак.

Фаннинг ўкув режадаги бошқа фанлар билан алоқадорлиги ва услубий жиҳатдан кетма-кетлиги

Ушбу фан ўкув режада белгиланган бўйича 7-8-семестрда ўқитилади. Тарихий ўлкашунослик, этнография, археология ва этнология асослари, социология, сиёсатшунослик, ижтимоий антропология каби фанларда ўрганиладиган муаммоларнинг умумийлиги билан бир-бирига боғланган.

Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Ўкув фанини талабалар томонидан чукурроқ ўзлаштиришлари учун замонавий ахборот технологиялар (жумладан компьютер имкониятлари орқали интернет ресурслари) катта ахамиятга эга эканлиги. Улар фанга оид фактологик материаллар базасини кенгайтириш, ўкув жараёнини услубий жиҳатдан бойтиш, маълумотларни талабаларга янада тушунарлирок етказиш учун хизмат қилиш имкониятларидан унумли фойдаланиш.

Фанни ўқитиши турлари дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади. Шунингдек, фаннинг долзарб масалалари талабаларга мустакил иш сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фанни замонавий педагогик технологиянинг «Кластер», «Бумеранг», «Технологик карта», «Близи сўровнома» сингари методлари орқали ҳамда ҳариталар, слайдлар, мультимедиа намойишлари билан бир каторда баъзи маърузаларни Ўзбекистон Давлат тарихи музейида олиб бориш назарда тутилган.

Асосий қисм

Кириш. Курснинг максад ва вазифалари. Этногенез ва этник тарихга оид айрим атама ва тушунчалар

Ўзбек халкининг келиб чиқиши ва шаклланини жараённида «этнос», «этник бирлиқ», «элат», «қабила», «халқ», «миллат» каби атамалар, тушунчаларини ўрни ва ахамияти. Уларнинг жамият таракқиёти босқичларни билан боғликлиги, «Этнос» гоясининг мухим жиҳатлари. Ҳудудий тиз бирлиги, этник иктисолий ва маланий алоқадорлик масалалари.

Ўрта Осиёнинг этногенези ва этник тарихининг қадимги даври

Ўрта Осиёда неолит, энеолит ва жез даврларида яшаган уруг кабилалар хакида. Оддравидлар ва олдурат тилли кабилаларнинг мил.авв. IV - II минг йилликларда Туркистон ва Амузарённинг кўйи оқимида яшаганлиги хакидағи фаразлар. Мил.авв. III минг йиллик охири - II минг йиллик бошидан ўрта Осиёга шимолдан жангари орийларнинг бостириб киричи мил.авв. II минг

йилликнинг бошларидан орийларни ўтрок дехкончилик вохаларига хам кириб жойлашиши. Мил. авв. II минг йиллик охиридан Ўрта Осиёнинг дехкончилик вохалари ва шаркий Эронга орийларнинг келиши.

Ўрта Осиё этник тарихи тарихшунослиги

Туркй халкларнинг келиб чикиши хакидаги назариялар. Туркй халкларнинг кадим замонлардан жаҳон цивилизациясиға сезиларли таъсири. Кадимги ва Ўрта асрлар муаллифлари: Гесиод, Геродот, Страбон, Плинний, Мовис Хоренаси ва ҳ.қолар асарларида турклар хакидаги маълумотлар. Швециялик Ф.И.Табберт – Страленберг туркйларнинг Олтойдан келиб чикканлиги назарияси асосчиси, Геродот, П.Паллас, Г.Ю.Клипарт, Э.Эйхвальд асарларида туркй халклар хакида. Туркйларнинг келиб чикиши хакидаги турли назариялар.

Сўнгти йилларда «этнос» гоясига оид яратилган махсус илмий асарлар хусусида. Атокли ўзбек олими акад. К. Шониёзовнинг “Ўзбекларнинг шаклланиш жараёни”, «Канг давлати», «Карлук ва карлуқлар давлати» монографиялари катор илмий маколалар асосида ушбу илмий-назарий муаммоларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилгани. Этносларнинг шаклланишида мухим омиллар хакида фикрлар.

Ўрта Осиёнинг дунёда одамларнинг ilk аждодлари макон топган минтака эканлиги. Ватанимизда палеолит маконлари. Селунгур, Кўлбулук, Тешиктош ва ҳ.қоларнинг этногенезга алокадорлиги.

Ўрта Осиё тарихига оид энг кадимги манба «Авесто»да юртимиз ахолиси хакидаги маълумотлар. Эрон, Хиндистон, Юнон-Рим ва Хитой манбаларида аждодларимиз саклар, массагетлар, тоҳарлар хакида.

Ўрта Осиё ахолисининг Олд Осиё ва Хурсон билан кадим замонлардан бўён алокада эканлиги хусусида. Тарихий манбаларда Хоразм, Сўғд, Бактрия хакида маълумотлар. Ўлкамиз ахолиси юонон – римликлар асарларида.

Илк ўрта асрларда ахолининг этник таркиби

Ўрта Осиё күшонлар ва тоҳарлар хукумронлиги даврида. Қабилалар кўчишлари ва уларнинг ахоли этник таркиби таъсири. Канг қабилалари истилолари. Курама тоғлари ва Сирдарёнинг юкори окимида катарлар, камарлар ва ҳ.қо. қабилаларнинг жойлашгани. Тяншанинг гарбий Сирдарё якинидаги даштларда сакараувлар, тоҳарлар, асийлар, апасшаклар, аристейлар ва авганлар. Сирдарёнинг соҳиҳларида сув – скифлари – обийлар яшагани.

Мил. авв. II асрдан – IV асрга қалар канғларнинг шимолида, шимолий – шаркий ва жанубида юзҷи тоҳарлар, акклар, ассианлар, ҳунилар, гарбда сак – массагетлар ва бошқа қабилалар яшагани. Мил. авв. II аср ўрталарида усуулар Ётгисувни катта кисмини эгаллаб, канғларни шимолий кўшниларига айлангани. Япон олими Еноки ва Л.Н.Гумилев Сўгдиёнани эгаллаган хионийларни хитой манбаларида ҳунилар деб номлангани. Туркй тилли

этноснинг шакллана бошлаши. Юэчжи кабилалари боскинлари. Кушон давлати. Хионийлар, тохарлар, эфталийлар.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги этнослар хакидаги маълумотлар. Ўрта Осиёда яшаган ҳалклар хакидаги дастлабки маълумотлар Хитой тарихчиларининг асарлари "Шимолий хонадонлар тарихи" Бейшида (550-577); "Сўй сулоласи тарихи" – Сўйшуда (581 – 618); "Тан сулоласи тарихи" – Таншуда (618 – 917)ларда учраши. Үлкамиздаги Ши (Тошкент), Ан, Анси (Бухоро), Боҳо, Боҳан (Давон), Шы ёки Ши (Хоразм), Кеш (Шахрисабз) вилоятларини номларини хитой ийлномаларида кайд этилиши. Турк атамасининг этимологияси. Афсоналар ва манбалар. Турк ҳоконлиги таркибидаги ург-кабилалар. Дастлабки туркий ёзувнинг таркалиши ва унга оид манбаларни, "Урхун-Энасой", "Иссик", "Билга ҳбон" битиклари. Сибирнинг жанубидаги, Олтойдаги туркий тилдаги кабротш битиклари: Култегин, Тўнокук, Элтариш, унинг рафиқаси Элбилга хотун, Могилан, Кули Чур, Мойи Чурларга кўйилган тошлардаги битиклар. Уларда: ўгуз, уч ўгуз, саккиз ўгуз, тўқкиз ўгуз, ўн – ўгуз, кангар, корлук, кипчок, киргиз, аз, теле, кидан дулу, туркеш, тури ва х.ко. этонимлар хакида.

IX – XI асрлардаги этник жараёнлар

Туркийлар. Карлуклар-корахонийлар VIII-IX асрларда. Этнослар ассимиляцияси. Қарлук шевасининг адабий тилга айланиси.

Олд Осиёдаги европоид иркига ва хинд-европа, семит-хамит тил оиласларига оид этносларнинг Ўрта Осиёга кириши ва кўчириб келиши Этник жараёнларининг кучайиши, этносларро мужассамлашиш жараённинг фаоллашуви. Ислом дини ва унинг маънавий ижтимоий хаётидаги ўрни. Ўзбек ҳалкининг этник тарихини ўрганишида IX – XIII асрлардаги араб – форс тарихий ва географик асарлари. А.Табарийнинг "Тарих ал – расул ва ал Мулук" асари. Унда Ўрта Осиёдаги вилоятлар ҳамда уларда яшаган эфталийлар, корлуклар, туркашлар, уларнинг ҳокони Курсул, Абу Музаким, турк саркардалари хусусида. Ахмад ибн Фадлиннинг 921-922т йиллардаги сафар хотираларидан: ўгуз, бижанак кабилалари хакида маълумотлар.

Мовараунинарх ахолисинин XIII-XIV асрлардаги этник таркиби

Карлук – корахонийлар даври ўзбеклар этник тарихининг асосий боскичи сифатида. IX – X асрларда карлуклар иттифокига: чигил, ҳатаж, лабан ва бошкаларнинг кирганлиги. "Худуд ал - олам"даги маълумотлар. Еттисувда карлуклардан аввал яшаган нушиби, аргу, тухси, туркеш, сарик ва х.к. кабилалар хакида. Яғмолар, чигиллар хакида М. Кошгарий, В.В. Радлов, Н.А. Баскаковлар билдирган фикрлар. Ғарбий Корахонийлар давлати доирасида XI – XII асрлардаги этник жараёнлар. Коракиданлар (корахитойлар) хужумлари, ўлкага келиб жойлашган карлук, чигил, ҳалачларнинг олдиндин яшаб келган аргу, тухси, канғли ва бошкалар билан ассимиляциялашуви. Ушбу даврда кўчманчи чорвадор кабилаларни ўтроклашими жараённини тезлашиши. Туркий тилли этнос – ўзбекларнинг

шакллангани (Х – XII аср бошларидан) Марвирудийнинг “Тарихи Муборакшох”, Юсуф Хос Хожибининг “Кутадғу Билиг”, Ахмад Юғнайининг “Хибат ул-хакойик”, Яссавийнинг “Ҳикматлари” да акс этган.

Хоразмшоҳлар давлати доирасида XI – XIII асрларнинг бошларидаги этномаданий жараёнлар. Кипчоклар муаммоси. Кипчоклар Ўрта Осиё халқлари таркибида.

XIII-XV асрлар шаклланиши давом этгани, ўзбек элатининг кейинги тараккниёти. Жалойирлар, барлослар, кавчинлар, арлотларнинг ўлкамиз худудида жойлашуви. Мўғиллар даврида Ўрта Осиёга турк – мўғул кабилалари: олчин дуглат, мутол, сулдуз, ойрат, маркит, мангит, кўнгиротларнинг келиши давом этгани. К.Шониёзовнинг ушбу даврда Ўрта Осиё ва унга туташ худудларда бошка йирик кўчишлар, ахоли миграциялари бўлмагани хакидаги фикри.

Шайбонийлар сулоласи давридаги этник жараёнлар

XVI даги этник жараёнлари. XVI асрда Дашиби Кипчоқдан Моварауннахрга келган турк-мўғул кабилаларининг сони ва микдори хакида. Ривоятларга кўра ўзбек халқини 92 та кабила – уруғлардан ташкил топгани манбаларда ушбу кабилаларни 32, 36, 92, 96 ва ҳатто 102 тасини келтирилиши. Дашиби Кипчоқдаги кабила иттифоқлари: мангитлар, кўнгиротлар, киётлар, кипчоклар, ктойлар, канғли, кенегес, дўрмон, кирк, минг, юз, сарой, локай, кўшчи ва х.ко. лар. Кипчокларни XV – XVI асрларда Нўғай кабилалари иттифоқига кирганлиги.

Дашиби Кипчоқ кабилаларининг Шайбонийлар, Аштархонийлар, шунингдек жунғорлар боскини даврида Ўрта Осиёга келиб жойлашиши. Кипчокларни тўртта гурухи: кора кипчоқ, сарик кипчоқ, хитой кипчоқ ва кулон – кипчоклар. Кипчоклар кабила – уругининг номлари – этномимларининг сакланиб колгани. Кипчоклар, кўнгиротлар, курамалар, юзлар жойлашган худудлари, жамиятлари мавкеи. Ушбу ахоли гурухларининг Б.Х.Кармишева монографиясида тавсифи. Уларнинг ўзбеклар таркибида мухим компонентни ташкил этиши. Хоғиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномайи шохий” асаридаги туркий кабилалар хакида маълумотлар. “Баҳр ул-асрор” ва бошка тарихий манбаларда юртимиз ахолиси - таркибига онд маълумотлар. Ўзбеклар давлатлари. Шайбонийлар давлати (1500-1601). Аштархонийлар (1601-1756) хонликларидаги ахолининг этник таркиби.

Туркистанда XVII – XVIII асрлардаги этник жараёнлар. Олдинги асрларда кўчиб келган кабилаларнинг ўзаро ассимиляция жараёнларига тортилиши. Барлосларнинг Темур ва Бобур хукмронлиги даврида Афғонистонга, Дехли атрофи ва Кашмирга бориб жойлашуви. Арлотлар, кипчоклар, найманлар, мутоллар Афғонистонга: аргинлар Афғонистон ва Тоҳаристонда; жалоирларнинг Афғонистонда, катта кисмини Эроннинг шимоли ва Озарбайжонда мухим ўрнашгани.

XVI-XVIII асрлардаги Мовароуиннар ва унга туташ минтакалардаги этносийсий ахвол

Қозокларнинг аста – секин кучайини ва XVI аср охири – XVIII асрнинг бошларида даштикипчок ўзбекларига карши кураш бошлаши. XVI – XVIII асрларда “сарт” астамасининг мазмуни ўзгариши. Энди факат тожиклар эмас Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва Хоразмдаги ўтрок ахолини хам ушибу атама билан аталиши. Данти Кипчок кабилаларининг Ўрта Осиё сиёсий тарихига таъсири. Манғитлар, Кўнгиротлар ва Мингларни хонликларни бошқаришлари. Бухоро хонлигининг XVIII асрнинг бошларида заифлашуви. XVIII аср давомида козок хонлари Тошкентни босиб олиши ва козок кабилаларини Тошкент воҳасига якин жойларга келиб жойлашиши. Кўчишларнинг сўнгти тўлкини XVII аср охири – XVIII асрнинг бошларида бўлганлиги. Этнолог Б.Х.Кармышеванинг фикрига Турқистонга айrim кабилаларнинг келиб жойлашининг кейинги асрларда хам давом этганлиги.

XIX асрда Туркистон ахолисининг этник таркиби

XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёни Россия томонидан истило килиниши. Россиянинг кўчирувчилик сиёсати ва юртимиз ахолиси таркибидаги ўзгаришлар. Янги педагогик технологиялардан “Ақлий ҳужум” дарс ўтиш усули кўлланилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Ўрта Осиёдаги сиёсий – иктисолий маданий жараёнлар. Этник жараёнларда янги этнослар европалик славянларнинг иштироқи. 1897 йилдаги Россия империяси томонидан Туркистонда хам ўтказилган ахоли рўйхати маълумотлари.

Республикамизда XX асрнинг иккинчи ярмидаги этнодемографик холат

XX аср давомида Ўзбекистон ахолисининг этник таркибидаги ўзгаришлар. И. Сталин даврида корейслар, турк -мхетилар, крим-татарларнинг мажбуран кўчириб келиниши. XX аср давомида Ўзбекистон ахолиси этник таркибидаги ўзгаришларни 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йиллардаги ахоли рўйхатлари асосида таҳлил этиш. Республикаидаги демографик вазият ва унинг муаммолари. Мустакилликка эришув ва ўзбек миллатининг шаклланишидаги янги боскичнинг бошланиши.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларида талабалар “Этногенез ва ўзбек ҳалқининг этник тарихи” фанидан маъruzа дарсларида олган назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, семинарлар мавзулари бўйича тайёргарлик кўриш жараёнидаги ўзбек ва хорижий тиллардаги илмий адабиётлар ва тарихий манబалар билан танишиб, кўшимча билим оладилар. Якуний натижага уларнинг билим доиралари илмий жиҳатдан асосланган холда кенгаяди.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чикилади. Унда талабалар асосий маъзуза мавзулари бўйича олган билим ва кўниматларини амалий машғулотлар оркали янада бойитадилар. Шунингдек, ларслик ва ўкув кўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиц тарқатма материаллардан фойдаланиши. илмий маколалар ва тезислар чои этиш оркали талабалар билимларини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали куроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Семинар машғулотларда тавсия этиладиган таҳминий мавзулар:

1. Курснинг максад ва вазифалари. Этник тарихга оид айрим атама ва тушунчалар.
2. Кадимда Ўрта Осиёда этник жараёнлар.
3. Ўрта Осиё этник тарихи тарихшунослиги.
4. Ўзбекистон халклари: ахамонийлар, күшон, канглар, тоҳарлар ва эфталитлар даврида.
5. Ўрта Осиёда IX-XI асрларда ахолининг этник таркибидаги ўзгаришлар.
6. XIII-XV асрларда ахолининг этник таркиби.
7. Шайбонийлар сулоласи давридаги этник жараёнлар.
8. XVI-XVIII асрларда Мовараунахр ва унга туташ худудлардаги этносиёсий холат.
9. Туркистонда XIX асрнинг I ярмидаги этносиёсий жарёнлар.
10. Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмидаги этник жараёнлар.
11. Ахоли рўйхатлари этник тарих бўйича манба сифатида.
12. Ўзбекистонга депортация килинган халклар.
13. Республикаизда XX асрнинг иккинчи ярмидаги этнодемографик холат.
14. Этнодемографик жараёнлар истиқболлари XXI аср.
15. Ассимиляция жараёнлари истиқболлар ва муаммолар.

Изоҳ: Фан ишчи дастурини шакллантириши жараёнида мазкур машғулот учун ишчи ўкув режада кўрсатилган соатлар ҳажмита мос мавзулар рўйхати шакллантирилди.

Мустакил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

“Археологик дала тадқикот усуслари” фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва кўнимат хосил килиш учун мустакил таълим тизимига асосланниб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигидаги мустакил иш бажарадилар. Бунда улар кўшимча алабиётларни ўрганиб ҳамда Интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва измий докладлар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали куроллар ва сайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустакил ишни тайёрланда муйян фанинг хусусиятларини хисобга олган холда кўйилади шакллардан фойдаланишга тавсия этилади.

- дарслик ва ўкув кўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларни ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар кисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабаларнинг ўкув-илмий-тадқиқот ишларини бажариши билан боғлик бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чукур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услугубаридан фойдаланадиган ўкув машғулотлари;
- талабалар хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиши рагбатлантириш.

Тавсия этиладиган мустақил иш мавзулари:

1. Семинар машғулотларга тайёргарлик (32 соат).
 2. Ўзбекистон халқларининг этник тарихига оид кўшимча илмий адабиётлар устида ишлаш ва улардан ўтилган мавзуларга тегишли маълумотларни олиб тахлил килиш (2 соат).
 3. Хар бир талаба ўзи истиқомат килаётган ҳудуд ахолисининг этник тарихига ва таркибига оид реферат тайёрлаш (2 соат).
 4. Xозирги кунда турли халқлар ва элатлар ўтасида содир бўлаётган ассимиляция жараёнлари, уларнинг истиқболлари хусусида талаба ўз мустакил фикрлари асосида реферат тайёрлаш (2 соат).
- Изоҳ:** Фан ишчи ластурини шакллантириш жараёнида мазкур машғулот учун ишчи ўкув режада кўреатилган соатлар ҳажмига мос мавзулар рўйхати шакллантирилади.

Фойдаланилган асосий дарслик ва адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент: Шарқ, 2001.
2. Жабборов И.М. Ўзбеклар. –Тошкент, 2008.
3. Аскarov A. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, 2007.
4. Узбеки. Коллективная монография. – Москва: Наука, 2012.
5. Ashitov A. Etnologiya. – Toshkent, 2014.

Кўшимча адабиётлар

6. Народы Средней Азии и Казахстана. Пол.ред. С.П. Толстова. Т.1.-М., 1962.
7. З.М.Бобур З.Бобурнома. –Тошкент, 1992.
8. Ахмедов Б.А. Ўзбекларнинг келиб чикиш тарихи. – Тошкент, 1985.
9. Шониёзов К.Ш. Қанлар ва Қанғ давлати. – Тошкент: Фан, 1990.
10. Ахмедов Ҷ.А. Ўзбек улуси. – Тошкент: Нур, 1992.

11. Жабборов И.М. Ўзбек халки этиографияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
12. Ахмедов Б.А. Тарихдан сабоклар. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
13. Шониёзов К.Ш. Қарлуклар ва карлуклар давлати. Шарқ. Тошкент, 1999.
14. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. –Тошкент: Ўзбекистон, 2006.
15. Аскаров А.А. Бир китоб ҳакида минг эътиroz. –Тошкент, 2013.

Интернет сайtlари:

16. www.history.ru
17. <http://www.ethnology.ru>
18. www.ziyonet.uz.